

Савол:

Ассалому алайкум азиз биродарлар мен сизларни бу ишларингизда оллоҳдан муваффакиятлар тилайман деб ўз саволимни бошласам биз - баъзи бир биродарлар орасида мухим савол тугилиб колди яъни эри хотин орасида содир бўладиган ишлар биродарлардан бири кизикишда хотинини эмиб кўйган ва хотиним менга харом бўлиб колди деб ажрашишга мажбур бўлган ўз хотинини эмиб кўйиш харом киладими, йўкми ? Шунга батафсил жавоб бўлса деган умидим бор далиллари билан.

Жавоб:

Хотинини эмиб кўйиш хотинни эрига харом килмайди. Аслида эмиш билан харом бўлиш сут эмадиган ёшдаги гўдакларда бўлади бунинг муддати икки ёшгача Абу Ханифа раЖимахуллохнинг назарида икки ярим ёшгача, ундан кейин эмишнинг таъсири йўк. Агар бола овкатланадиган бўлса сутдан чикарилгандан кейин эмса харом бўлмайди. Бу хам баъзи уламоларнинг сўzlари.

Уммул Фадлдан ривоят килинади росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Бир ва икки эмиш харом килмайди». (Муслим ривояти)

У хотини билан ажрашиб хато килган. Валлоҳу аълам.